

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҶОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:

Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

| | |
|---|---|
| М.Исмоилов, З.Кўпайсинова Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар | 6 |
|---|---|

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

| | |
|--|----|
| Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов Индивидларнинг умр кўриш давомийлиги ҳақида | 11 |
| В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова Фарғона водийси қумли даҳалар тупроқлари | 14 |
| А.Махсумов, Б.Исмаилов 1-фенил азонафтол-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши | 20 |

КИМЁ

| | |
|--|----|
| Х.Юлдашев, Ю.Мансуров Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши | 24 |
| С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомлексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари | 29 |

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

| | |
|---|----|
| И.Носиров Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари | 33 |
| С.Хусанбоев Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари | 40 |

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

| | |
|---|----|
| Ў.Аҳмедова Таълимнинг ижтимоийлашувида маънавий тарбия масаласи | 44 |
|---|----|

ТАРИХ

| | |
|---|----|
| О.Маҳмудов Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарлар | 47 |
| С.Юлдашев Фарғона сомоний волийлар бошқаруви даврида | 53 |
| А.Атаходжаев Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири | 61 |
| И.Фуломов 1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир | 67 |
| А.Алохунов Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар | 73 |
| В.Абиров Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши | 77 |
| Ш.Холикулов Россия империяси суд-ҳуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти | 84 |
| Ш.Усанов Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари | 89 |

ФУРҚАТ ИЖОДИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ТВОРЧЕСТВА ФУРКАТА

CHARACTERISTICS OF FURQAT'S CREATION

Жўраев Ҳабибилло Абдусаломович¹, Раҳимов Зокир Азимович²¹Жўраев Ҳабибилло Абдусаломович

– Фарғона давлат университети, адабиётшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори.

²Раҳимов Зокир Азимович

– Фарғона давлат университети, адабиётшунослик кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

Аннотация

Мақолада ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижоди ва ижтимоий фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлар таҳлилга тортилган.

Аннотация

В статье анализируется своеобразие творчества и общественной деятельности одного из видных представителей узбекской классической литературы – Фурката.

Annotation

The article analyzes the peculiarities of the creative and social activity of Zokirjon Kholmuhammad oglu Furkat, one of the famous representatives of Uzbek classical literature.

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий-сиёсий воқелик, адабий жараён, анъаналарга муносабат, новаторлик, етакчи гоғлар, бадиий-фалсафий хусусиятлар.

Ключевые слова и выражения: социально-политические реалии, литературный процесс, отношение к традициям, новаторство, ведущие идеи, художественно-философские особенности.

Keywords and expressions: socio-political reality, literary process, attitude to traditions, innovation, leading ideas, artistic and philosophical features.

Фурқатнинг ижодий мероси ўзбек мумтоз адабиётининг гўзал намуналаридандир. У эҳтирос тўла ғазаллари, эрка ташна мусаддаслари, ҳижрон ва ғариблик изтироблари барқ уриб турган шеърӣ мактублари билан адабиётимизга тоза ва тиниқ оҳанглар олиб кирди. Замонаси унинг пешонасига ғариблик ва мусофирликни битди. У бир умр Ватанидан кўнгил узолмади, қайтмоқликнинг эса урдасидан чиқолмай яшади. У кўнгил тубига яширган пинҳон дардларини шеърга тўқди. Ошиқона ғазаллари кўшиққа, халқ мулкига айланди. Унинг асарлари ўз Ватанида ихлосмандларини топди. Гарчи шоир жисман она юртига қайтолмас-да, шеърлари, асарлари қайтди.

Тўққиз ёшидан шеър ёза бошлаган шоир то умрининг охирига қадар бадиий ижоддан тўхтамади. Ўз даврининг фарзанди сифатида эса ўша пайтда ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй бераётган воқеаларни мамнуният билан қарши олди. У Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда мустамлакачилик зулмини ўтказётган рус ҳукумат идоралари фаолиятининг моҳиятини дастлаб тушуниб етмади, илм-фан, техника янгиликларига ҳамда Европа маданиятига мўъжизадай

қаради. Рус зиёлиларининг Туркистондаги вакиллари шоирга жаҳолат, хурофот ва қолоқликдан чиқишга кўмаклашувчи халоскор бўлиб туюлди. Буларнинг орқасида ўз устунликларини намойиш қилиш ва шу орқали забт этилган юртни иқтисодий ва маънавий асоратда сақлаш мақсади ётганлигини ўз вақтида англамади. Шу боис, айрим асарларида чор Россияси давлати сиёсатини, ҳаётга татбиқ этаётган янгиликларини мақтади, ташвиқот юргизди. Дам Фарғона ва Марғилонда, баъзан Қўқон ҳамда Тошкентда умр ўтказди. Ўқитувчилик қилди, хаттотлик, мирзалик билан шуғулланди. Эрта шуҳрат қозонган шоир оддий халқ ҳаётини чуқур ўргана борди. У юртнинг илғор фикрли фарзанди сифатида ўз мамлакатининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан тез суръатларда ривожланишини истади. Шеърларида зулм остида эзилган меҳнаткаш халқнинг ҳис-туйғулари, орзу-кечинmalarини акс эттирди, истибдод ва зулмга лаънат ўқиди. Фурқат ўзбек халқининг озод, бахтиёр ҳаётга бўлган орзусини, айниқса, “Сайдинг қўябер, сайёд” мусаддасида ёрқин тасвирлади. Шоир ҳаётни чуқур муҳаббат билан севди. Гарчанд, унинг асарлари ғурбат, ҳижрон мотивлари

билан тўла бўлса-да, бошқаларни ҳам ҳаётни, ватанни севишга чақирди. Шунга кўра шоир лирикаси, асосан, ҳаётбахш, ростгўй лирикадир. Шоир соф инсоний муҳаббатни авж пардаларда куйлади. Табиат манзараси ижтимоий воқелик, ҳаётга муҳаббат оҳанглари билан боғланган ҳолда берилди. “Девони луғотит турк”да келтирилган шеърларда куртак ёзган, Носириддин Рабғузий ижодида бўй кўрсатган, Алишер Навоий асарларида ривожлантирилган пейзаж лирикаси Фурқат қалами орқали янада такомиллашди.

Шоир форс-тожик, рус ва араб тилларини ўрганишга киришади. Бирмунча вақт таржима иши билан ҳам шуғулланади. 1889 ва 1891 йиллар мобайнида Тошкент шаҳрида яшаши унинг ижодида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган янгиликларни кузатиб борар экан, халқнинг кўзини очишга, илм-фан сирларини ўрганишга чақиради. “Туркистон вилоятининг газети”да рус илм-фани, маданиятини тарғиб этувчи шеърлари пайдо бўлади. Газета муҳаррири Н.П.Остроумов таклифи билан мазкур нашр учун кўплаб мақолалар ёзади. Хорижга саёҳати давомида ҳам турли мамлакатларда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги таассурот ва хулосаларини газетага мунтазам йўллаб туради. Айтиш мумкинки, маърифатпарвар шоир юртимиз ижтимоий тарихида халқаро журналистика йўналишига ҳам асос солди.

XIX асрнинг 90-91-йилларида Зокиржон Фурқат ҳаёти ижодий кўтаринкилик ва ижтимоий фаоллик билан характерланади. Агар шоир архивига оид фактларга мурожаат қилинса, у “Туркистон вилоятининг газети” таҳририятида расмий ходими сифатида фаол ишлагани, гимназия, босмаҳона, театр ва бошқа маърифат ўчоқлари билан танишганлигининг гувоҳи бўламиз. Шоир гарчанд рус фани ва янгиликларининг тарғиботчиси сифатида кўзга ташланса-да, бу йиллар шоирнинг бадиий ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатди, унинг учун энг сермахсул ижод даври бўлди.

Шуниси диққатга молики, шоир Европа санъатининг, жумладан, театрнинг тарбиявий моҳиятини жуда тўғри тушунади ва шундай ёзади: “Аларнинг кўрсатган тамошоси бизнинг масхарабозидек маҳз кулгу учун эмас экан, балки ибрат учун экандур. Бу тариқадаким, ўтган замондаги одамларнинг аҳволини ва кечунган тирикчиликларини ва ул мардум ароларида бўлгон муомалаларни тақлид қилиб кўрсатур экан ва баъзи кулгулик

ўюнлар бўлса борганлар андин ҳам ибрат ва ҳам хурсандлиқ истифода қилур эканлар.

Ул тамошоҳона катта бир олий иморат ўлуб, анда эркак ва хотунлар келиб, ҳаммалари курсида яхши одоб тутуб ўлтурур эканлар. Бу сабабдин анда уётлик ўюн ва уётлик сўз мутлақо бўлмас экан. Бу бобда ҳам қилгон манзумаларим газетда мунташирдур. Мен ҳарнаким кўрдум, фикрим юбориб ёздим...” [4.61]

Хуллас, шу каби ёзишмаларда шоир ижодий фаолиятининг кенг қамрови, мавзу жиҳатдан ранг-баранглигини кўрсатувчи ишонарли далиллар, қатор асарларининг юзага келиши ва тарқалишига оид қизиқарли маълумотлар кўплаб учрайди. Зокиржон Фурқат ҳаёти ва фаолиятига шу кунгача шоир ва маърифатпарвар сифатида қараш устуворлик қилади. Ваҳоланки, у қайси мамлакатда бўлмасин, ўша юртнинг иқтисодий аҳволи, бизнес ва савдо-сотиқ ишлари билан ҳам қизиқади. [3.99] Улар ҳақида сўз юритганда, ўз даврининг пешқадам иқтисодчиси, узоқни кўра биладиган тадбиркор сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, муаллиф ўзи учрашган, суҳбатлар қурган ижодкорлар, адабиёт ихлосмандлари, фозил кишилар, машҳур хаттотлар ҳақида ҳам маълумот берадики, булар давр адабий-маданий ҳаёти манзарасини тиклашда тадқиқотчи учун ишончли далил бўлиб хизмат қилади. Муаллиф замонасининг адабиёт ва маданият аҳлига катта аҳамият беради. Археолог олим Мирзо Бухорий, хаттот Мулла Қамбар Али, рус илми, фани, ўқитув тизимини тарғиб этувчи зиёли Ҳожи Муҳаммад Зухур, адабиёт ва санъат аҳлини кадрловчи, шеърият мухлиси Маҳмудхўжа, рус фоторассоми Назаров, билимдон табиб Ҳожи Аъзам, таниқли арбоб ва шоир Хожажон Рожийлар шулар жумласидандир.

Фурқат рус ҳаёти билан яқиндан танишиб, уни ўргана бошлаши натижасида ўз халқининг маданиятдан орқада қолаётганлигини, билим ва маърифатдан маҳрум этилганлигини тобора яхшироқ англай борди, ҳаётдаги, жамиятдаги ҳодисаларга ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо бера бошлади. Ватандошларини илм-маърифатли, жаҳон янгиликларидан хабардор, маънавий юксак ҳолда кўришни истади. Истибдод туфайли эзилаётган халқни маърифатга чақирди. Қани энди, елкасига офтоб тегмаётган маҳаллий халқ фарзандлари ҳам гимназия ва мактабларда ўқиса, рояль чалса, миллий театрлар халқ учун ибрат мактабини ўтаса, ёш авлод ўзининг илми, салоҳияти,

АДАБИЁТШУНОСЛИК

қудрати билан жаҳон аҳлини лол қолдирса! Ана шундай эзгу орзу-умидлар билан яшаган Фурқат ўзининг бу пайтларда яратган асарлари билан XIX аср охиридаги ўзбек адабиётида тамоман янги фикр-ғояларни илгари сурувчи илғор, новатор шоир сифатида майдонга чиқди. “Гимназия”, “Илм хосияти”, “Театру ҳақида”, “Нағма базми хусусида”, “Шоир ва шеър муболағаси”, “Виставка хусусида”, “Рояль тўғрисида”, “Суворов” каби

асарларида маърифатпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ғояларини эҳтирос билан куйлади.

Шоир маърифатпарварлик руҳида ёзган мазкур асарларини ҳаётдаги қолюқликка қарши курашиш, кишилар онгида илғор туйғулар уйғотиш учун яратар эди. Масалан, илмнинг жамият ҳаётидаги ўрни, аҳамияти ҳақида сўзлаб, шундай муҳим хулоса чиқаради:

**Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилнинг муроди илм бирла.
Кўнглиларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.**

Шоир илму ҳунарни уйғунликда кўради, уларни айри ҳолда тасаввур этолмайди. Тўғри, илм-маърифатли бўлиш, юксак ахлоққа эришиш, ҳунарни улуглаш мумтоз адабиётимизда қадимдан учрайдиган даъватдир. Жоҳилликни қоралаш, илм-маърифатни эгаллашга чақирувчи асарлар адабиётимиз намояндаларининг деярли ҳар бирида учрайди. Шоир Фурқат ҳам ўз манзумаларида мазкур анъанавий ғояни давом эттиради, ривожлантиради. Бу ғояни ёрқин ифодалаш учун халқ мақолларидан фойдаланади, турли бадий воситаларни қўллайди. Натижада шоир мисралари хикматли сўз ҳамда ибораларга айланади.

Шарқ, жумладан, ўзбек лирикасида воқеабанд ёки сюжетли асарлар йўқ ҳисобда эди. Фурқат шеърлятида ёлғиз лирик қаҳрамоннинг ўзигина ҳаракат қилмайди. Реал маънога эга бўлмаган баландпарвоз сўзларни ёқтирмайди. Бирор воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилар экан, лўндаликка интилади. Қиссадан ҳисса чиқаради. Шоир ижодиётини ўрганган қатор олимларимиз, жумладан, А.Абдуғафуров мазкур ҳодисани адабиётимизда катта ижобий ҳодиса деб айтади. Зероки, бу асарлар “...фақат мавзу ва олға сурилган ғоя жиҳатидангина янгилик бўлмай, айна замонда репортажлик характери, публицистик ташвиқот руҳи, оригинал образ ва ташбеҳлари

билан янги мазмунга мос лексика билан ҳам...” [1.205] алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маърифатпарвар шоир ғоят қизиқиш ва синчковлик билан кўздан кечирган виставкани халқ учун катта мактаб санар, шу мактабга кўпроқ киши келиб, баҳраманд бўлишини орзу қилар эди. Унинг бу орзуси ҳам истиқлол шарофати билан рўёбга чиқди. Телеграфдан бошланиб, бугунги кунда урфга айланган мобил телефонлари ҳар биримизнинг ёрдамчимизга айланди, юртимизда жаҳоншумул аҳамиятга эга турли миллий ҳамда халқаро кўргазмалар ўтказилмоқда. Ёшларимиз илмни ҳунар билан бирга ўрганиб бораётганлиги, юртбошимизнинг ташаббуси билан турли фан йўналишларидаги махсус мактабларнинг иш олиб бораётганлиги, Ўзбекистоннинг бугунги кундаги оламшумул зафар ва муваффақиятлари қалбларни ифтихорга тўлдиради.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ўз замонининг энг илғор, маърифатпарвар кишиларидан бири сифатида мангуликка дахлдор сиймолардандир. Шоир бадий адабиётни халқ ҳаётига яқинлаштирди. Уни тараққиёт учун хизмат қилдирди. Ёш авлодни дунёвий билимларни эгаллашга даъват этди. Адабиётимиз тарихида, бир томондан ғурбат ва ғариблик тимсоли, иккинчи тарафдан эса маърифат жарчиси, янгиликларни олқишлоқчи ижодкор сифатида мангуга қолди.

Адабиётлар:

1. Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат. – Т.: Фан, 1977.
2. Воҳидов Ҳ. Фурқат маърифатпарвар шоир. – Т., 1959.
3. Юсупов Ш. Хуфия қатламлар. – Т.: “Маънавият”. 1999
4. Фурқат. II жилдлик танланган асарлар, 2-жилд.. – Т.: 1959.
5. Фурқат. Муҳаббат йўлида. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2009